



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ШАХСГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНING ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

А.У.Қўлдошев

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17921871>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 06-dekabr 2025 yil
Ma'qullandi: 10-dekabr 2025 yil
Nashr qilindi: 13-dekabr 2025 yil

KEY WORDS

ички ишлар органлари, шахсга
қарши жиноятлар,
профилактика, ташкилий
асослар.

ABSTRACT

Мақолада ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган шахсга қарши жиноятлар профилактикасининг ташкилий асослари хусусида фикр юритилиб, мазкур фаолиятни янада самарали ташкил қилишга оид таклиф ҳамда тавсиялар билдирилган.

Юртимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқларини турли ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини, яъни, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Хусусан, мазкур йўналишдаги вазифалар ижросини таъминлашда ички ишлар органлари ўзига хос аҳамият касб этади.

Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади ва ушбу қайд этилган вазифаларга мувофиқ мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ҳуқуқбузарликларни, хусусан, шахсга қарши жиноятлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини ички ишлар органларининг ҳудудий ички ишлар бошқарма ва бўлимлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида махсус ва тезкор профилактик тадбирлар доирасида амалга оширишлари ўзининг самарасини беради.

Айтиш мумкинки, ҳудудларда содир этиладиган шахсга қарши жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шароитларни ҳудудий ички ишлар органлари ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар билан биргаликда ишлаб чиқилган махсус режа, дастурлар ва бошқа бошқарув қарорлари асосида ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш ваколатига эга бўлган субъектлар билан ҳамкорликда амалга оширишлари лозим.

Ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган шахсга қарши
жиноятларнинг
якка

тартибдаги профилактикаси бўйича фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”¹ги Қонунининг 5-боби талаблари асосида, жумладан, маъмурий ҳудудда ғайриижтимоий хулқ-атворли, шахсга қарши жиноятларни содир этишга мойил бўлган ва шундай турдаги жиноят содир этган шахсларнинг ҳисобини юритиш, тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали уларни ахлоқан тузатиш, уларда ижтимоий ҳаётга мос хулқ-атвор ва турмуш тарзини шакллантириш, шунингдек, ушбу турдаги жиноятдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг шахсга қарши жиноятлар қурбонига айланиш хавфи мавжудлиги, ушбу жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, уни содир этиш усули ва шакли тўғрисида индивидуал равишда хабардор қилиш, уларни огоҳликка, хушёрликка чақириш ҳамда уларнинг хавсизлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Ички ишлар органлари томонидан шахсга қарши жиноятларнинг виктимнологик профилактикаси ҳам Ўзбекистон Республикасининг “Хуқуқ-бузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунининг 6-боби талаблари асосида амалга оширади. Жумладан, улар маъмурий ҳудудларда фуқаролар ёки муайян шахсларнинг шахсга қарши жиноятлардан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида ушбу турдаги жиноятларнинг содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрни ҳамда жабрланишининг сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни аниқлайдилар ҳамда бартараф этадилар. Шунингдек, аҳолига ва унинг алоҳида тоифаларига жабрланиш хавфини туғдираётган омиллар, шахсга қарши ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя этишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этадилар.

Айтиш мумкинки, низоли ва жанжалли вазиятларни жамоатчилик ёрдамида бартараф этиш мумкинлиги амалда ўз исботини топган. Шу билан бирга, оилавий низолар ва меҳнат жамоаларидаги ҳар қандай низоли вазият биринчи галда қўни-қўшнилар ва меҳнат жамоаларига аён бўлади. Демак, айнан шу вазиятларда кенг жамоатчилик фаолиятини жиноятлар ва умуман ҳар қандай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтириш катта аҳамиятга эга. Хусусан, бу борада Ўзбекистон халқининг асрлар давомида шаклланиб келган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимига таяниш ва биз кўриб чиқаётган ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ундан самарали фойдаланишимиз мақсадга мувофиқдир. Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими ёрдамидан нафақат бу мақсадда, балки, бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ҳам унумли фойдаланиш лозим. Шу боис, бугунги кунда Ўзбекистонда давлат бошқарувини ташкил этиш ишларида кенг жамоатчиликни жалб этишнинг ўзини ўзи бошқариш тизими орқали амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзини ўзи бошқариш тизими иш самарадорлигини оширишнинг яна бир муҳим жиҳати улар фаолиятини шаҳар ва қишлоқларда бирдек тўғри ташкил этишдир. Шу билан бирга, профилактик таъсирга мухтож шахсларни аҳолининг турли қатламлари орасидан яшаш жойи бўйича аниқлаш ва улар билан зарур ижтимоий-тарбиявий ишларни юритиш маҳалла фуқаролар йиғинлари орқали самарали амалга оширилади. Бир сўз билан айтганда, вояга етмаганлар, аёллар, оила ва турмуш муаммоларини фуқароларнинг яшаш жойларида ҳал этиш имкониятлари мамлакатимиз ижтимоий ҳаёти амалиётида мавжуд.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май куни қабул қилинган “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz>.

Айтиш мумкинки, оила-турмуш шароитида юзага келадиган низоларнинг аксариятига мастлик ҳолатлари сабаб бўлади. Шу билан бирга, жабрланувчи-ларнинг маст бўлиши ҳам кўп ҳолларда жиноий тажовузларга шароит яратади. Шундан келиб чиққан ҳолда, жамиятда ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик каби иллатларни ўз вақтида тўхтатиш орқали жуда кўп жиноятларнинг олдини олишга замин яратилади. Тўғри, криминология нуқтаи назардан, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг олдини олиш муаммоси алоҳида тадқиқ этилади. Лекин, биз сўз юритаётган жиноятларнинг олдини олиш билан боғлиқ ҳолатларда ушбу муаммо ҳам алоҳида эътиборга моликлиги учун бу иллатларнинг айрим хусусиятларига эътиборни қаратишни лозим топдик. Хусусан, низоли вазиятларнинг юзага келишида сурункали алкоголизм, гиёҳвандик каби иллатларга дучор бўлган шахсларнинг тажовузкорлик хусусиятларини намоён этишига алоҳида эътибор қаратилмаслиги профилактика ишлар самарадорлигини камайтиради. Шу боис, бу каби хасталикларга дучор бўлган шахсларни ўз вақтида аниқлаш ва даволанишини таъминлаш борасида иш олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Бу каби шахслар амбулатория шароитида даволанаётган бўлсалар ҳам, ички ишлар органларининг назоратидан четда қолмасликлари зарур. Шахсларнинг маст ҳолатда бўлишларига ва жиноий хатти-ҳаракатлар содир этишига йўл қўймаслик ҳам катта аҳамиятга эга. Шунга кўра, аҳоли яшаш жойларида, хонадонларда ичкилик ичиш оқибатида шахсда тажовузкорлик вужудга келади. Бу эса, жиддий фожиаларга олиб келиши мумкин.

Шу боис ҳам ички ишлар органлари шахснинг мастлиги ва тажовузкорлиги тўғрисида хабар олган заҳоти тезда зарур чораларни кўрмоғи лозим. Шу билан бирга, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг олдини олишда фуқаролар ўртасида якка тартибдаги профилактика ишларини олиб бориши ҳам катта аҳамиятга эга. Якка тартибдаги профилактика ишларини олиб боришда шахснинг руҳий ҳолати ёки руҳиятида касаллик ҳолатининг мавжудлиги инобатга олинishi лозим. Айниқса, шахснинг руҳиятида касаллик аломатларига хос жаҳлдорлик, тўсатдан юзага келадиган тажовузкорлик ҳолатлари бўлган тақдирда улар билан ишлашни йўлга қўйиш ва хатти-ҳаракатларини назоратга олиш лозим.

Шу ўринда жиноятчиликнинг шахс руҳиятидаги ҳолатлар билан боғлиқлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Чунки, шахсларга хос бўлган ақли заифлик, руҳиятнинг турли даражада бузилиши кўп ҳолларда эътиборга олинмайди. Ваҳоланки, бу каби шахслар билан ишлашда ички ишлар органлари тиббий муассасалар билан яқиндан ҳамкорлик қилишлари жоиз. Шахснинг яшаш ва иш жойида ўзини тутиши борасида одатда, ички ишлар органларида керакли маълумотлар мавжуд бўлади. Ушбу маълумотлар асосида тиббий муассасалар ёрдамида руҳиятни аниқлаш учун психиатр мутахассислар билан экспертиза ўтказилиши лозим. Бу эса шахс тўғрисида узил-кесил хулоса чиқаришга имкон беради. Шахсни тиббий гувоҳлантириш асосида нафақат унинг руҳиятидаги нуқсонлар, балки яширин ва сурункали руҳий хасталиклар ҳам аниқланади. Зарурат бўлганида тиббий муолажа белгиланади. Шу боис, ҳозирги кунда жиноятларнинг олдини олишга ёрдам берувчи ушбу тадбирни амалга ошириш учун жойларда руҳий-психиатрия маслаҳатхоналари ташкил этиш борасидаги фикрларни қўллаб-қувватлаш мумкин. Бу каби маслаҳатлар орқали ҳар бир оилада шахснинг руҳий ҳолатини аниқлаш билан боғлиқ муаммоларни ечишда зарур ёрдам олиш имкони юзага келади. Энг муҳими, шу асосда содир бўлиши мумкин бўлган нохушликларни олди олинади.

Шунингдек, шахсга қарши жиноятларни келтириб чиқарувчи виктим ҳолатларнинг олдини олиш ҳам эътиборга молик масалалардан биридир. Сабаби, мавжуд криминоген вазиятларда у ёки бу кимсаларга таъсир этувчи ножўя ҳатти-ҳаракатларнинг юзага келмаслиги учун ички ишлар органлари, кенг жамоатчилик, қолаверса, ҳар бир шахс зарур таъсир чораларини қўллаши, жумладан, турли ҳолатларда юзага келиши мумкин бўлган низоларга йўл қўймаслиги, ўзгалар шахсиятига тегадиган ҳаракатларни қилмаслиги ёки ҳақоратли сўзларни ишлатмаслиги лозим². Хусусан, виктим ҳолатларни олдини олишда профилактика инспекторлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ҳар бири ўз ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилмоқликлари лозим. Яъни, тегишли тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкил этишлари ва бунда асосий эътиборларини ўз ҳатти-ҳаракатлари билан кўпчиликнинг иззат-нафсига тегувчи фоҳишабозлик, қўшмачилик қилувчи ёки уят сўзлар билан сўкинувчи шахсларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим ва бу ҳолатларда оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан самарали фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

Жумладан, шахс йўл қўядиган ножўя ҳатти-ҳаракатлар оқибатида унинг ўзи жиноят курбонига айланиши билан боғлиқ мавзуларда телевидение ёки оммавий газета ва журналлар ёрдамида аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб бориши ўзига хос аҳамиятга эгадир. Сабаби, шу каби оммавий ахборот воситалари орқали одамлар ичига кириб бориш жаҳон тажрибасидан ҳам яхши маълум. Улар мазкур тарғибот тадбирларида оила, маиший турмуш ва жамоат жойларида кишиларнинг ўзларини тутишлари, жанжалли вазиятлар юзага келишининг салбий ҳолатларини кенгроқ ёритишлари лозим.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2014 йил 26 декабрдаги «Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув жараёнида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш тўғрисида»³ги 120-сонли буйруғи билан шахсга қарши жиноятлар тоифасидаги фош этилмаган жиноятлар, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, жиноят ишлари юзасидан олиб борилаётган тезкор-тергов ҳаракатларининг самарадорлиги ҳар олти ойда умумлаштирилиши ва бундай жиноятларнинг олдини олиш бўйича аниқ таклифлар тайёрланиши белгилаб берилган.

Шу билан бирга, ушбу буйруқда шахсга қарши жиноятлар тоифасига кирувчи қасддан одам ўлдириш жинояти содир этилган ҳар бир ҳолат бўйича тегишли профилактика инспекторларига нисбатан хизмат текширувлари ўтказилиб, келгусида бу каби жиноятларнинг содир этилишига йўл қўймаслик учун жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар атрофлича ўрганилиши қатъий белгиланган. Сабаби, дастлабки тергов жараёнида мазкур ҳолатлар ҳамда ҳудуддаги жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга

² Исманлов И. Криминология, Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик // И. Исманлов, Қ.Р. Абдурашулова, И.Ю. Фазилов. Масъул муҳаррир Ш.Т. Икромов. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015 - Б.272.

³ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2014 йил 26 декабрда қабул қилинган “Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув жараёнида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 120-сонли буйруғи // <https://lex.uz>.

оширилган ишлар ва уларнинг натижалари бўйича профилактика инспекторларининг фаолияти таҳлил қилинади. Шу ўринда аҳамият бериш лозим бўлган масалалардан бири бу - ушбу буйруқда фош этилмаган қасддан одам ўлдириш жиноятлари, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ички ишлар органлари раҳбарлари иштирокида вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг соҳавий ўринбосарлари ҳузурида ҳар ой муҳокама қилиб борилиши ҳам белгилаб қўйилган. Ушбу талаблар эса, ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари зиммасига шахсга қарши жиноятлар тоифасига кирувчи қасддан одам ўлдириш жиноятларини очиш ва айбдорларни фош этиш, шунингдек, бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш юзасидан профилактик чора-тадбирларни мунтазам равишда амалга оширилиши мажбуриятини юклайди. Бу борада профилактика инспекторлари томонидан қуйидаги йўналишларда профилактик чора-тадбирлар амалга оширилиши талаб этилади:

- Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 343-моддасига биноан, шахсга қарши жиноятлар бўйича тергов ҳаракатларини олиб бораётган терговчининг ёзма топшириғига кўра, содир этилган жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни (масалан, қотиллик жиноятининг жабрланувчиси бўлган оиласиз, ёлғиз яшагани, муқаддам судланганлар билан мунтазам яқин алоқада бўлгани, кўп ҳолларда унинг уйига муқаддам судланганлар тўпланиб, спиртли ичимликлар истеъмол қилингани, натижада маъмурий жавобгарликка тортилгани, шундай ҳолатлар содир бўлган бўлса-да, маҳалла, қўни-қўшни бу воқеаларга бефарқ бўлгани, шунингдек, фуқаронинг қўшнилари ушбу салбий ҳолатлар ҳақида ички ишлар органларига хабар бермагани ва бошқа сабабларни аниқлайди ва аниқланган сабаб ҳамда шарт-шароитларни бартараф этиш, келгусида маъмурий ҳудудда шахсга қарши жиноятлар содир этилишини олдини олиш мақсадида профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва амалга оширади⁴. Сўнгра, профилактика инспектори терговчининг кўрсатмаси ёки топшириғи бўйича маъмурий ҳудудда мазкур ҳодисанинг сабаблари ва содир этилишига олиб келган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш юзасидан амалга оширилган профилактик тадбирлар ҳақида батафсил маълумотнома тайёрлайди ва терговчига тақдим этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг олтинчи бўлими 36-боби талаблари асосида жиноят ишини юритган терговчи, прокурор, суднинг жиноят сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини қўллаш тўғрисидаги тақдимномасини тегишли давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси, жамоа ёки мансабдор шахс томонидан бажарилишини назорат қилади ва таъминлайди. Профилактика инспекторлари қонунда белгиланган бир ойлик муддат ичида тақдимнома талаблари асосида зарур чораларни кўрмаган ва кўрилган чораларнинг натижалари ҳақида хабар бермаган мансабдор шахсларни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси⁵нинг 196-моддасида белгиланган маъмурий ҳуқуқбузарлик тури бўйича жавобгарликка тортиш чораларини кўради.

Агар шахсга қарши жиноятлар вояга етмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, кейинчалик шунга ўхшаш жиноятлар яна содир этилишининг олдини олиш мақсадида

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz>.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // <https://lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил

29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар

ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»⁶ги қонунининг 3-боби талаблари асосида якка ва умумий тартибдаги профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқади. Бу борада вояга етмаган шахсларнинг тарбиясига масъул бўлган жамоат тузилмалари (диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, Ёшлар иттифоқи, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, таълим-тарбия муассасаларининг маъмурияти, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан ҳамкорликни кучайтириш лозим.

Одатда, кўп ҳолларда шахсга қарши жиноятлар оила-турмуш доирасида содир этилишини инобатга олиб, бу йўналишдаги жиноятларнинг олдини олиш юзасидан махсус профилактик тадбирлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Бундан ташқари, белгиланган тартиб асосида маъмурий ҳудудда «Турмуш» махсус профилактик чора-тадбирларини ўтказиш юзасидан юқори турувчи органга мурожаат қилиши мумкин ва белгиланган тартибда амалга ошири-лишини таъминлаши лозим. Шу билан бирга, содир этилган қасддан одам ўлдириш жиноятларининг умумий таҳлили асосида ушбу турдаги жиноят-лардан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган шахсларни аниқлайди ва виктимологик профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширилишини таъминлайди.

Шунингдек, шахсга қарши жиноятларни содир этган шахснинг шахсияти (ижтимоий демографик, маънавий-руҳий, жинсий-ҳуқуқий ва биофизиологик белгилари)ни атрофлича ўрганади ҳамда ўрганиш натижаларига асосланиб, ушбу хусусият ёки белгиларга эга шахслар (муқаддам судланган, вояга етмаган, рецидивист, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этаётган шахслар) тоифалари билан якка тартибдаги тарбиявий профилактик чора-тадбирларни ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва якка тартибда ёндашиш принципи талаблари асосида ишлаб чиқади ва амалга оширилишини таъминлайди.

Шу билан бирга, маъмурий ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини, хусусан, шахсга қарши жиноятларнинг олди олинишини таъминлаш мақсадида бошқа соҳавий хизматлар, айниқса, патруль-пост хизмати ходимлари ҳамда жамоат тузилмаларининг куч ва имкониятларидан унумли фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган шахсга қарши жиноятлар профилактикасида ҳудудда фуқароларнинг ёки муайян шахсларнинг ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга уларга нисбатан ғайриқонуний тажовуз ёки хужум қилинган тақдирда зарурий муҳофаа ва охириги зарурат ҳақидаги маълумотларни тушунтириши, ғайриижтимоий ҳулқ-атвор, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот олиш мақсадида ички ишлар органлари ҳузурида ташкил этилган ишонч, тезкор алоқа телефонлари, қутқарув хизматлари тўғрисидаги маълумотлар бўйича аҳолини хабардор қилиши ҳамда

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // <https://lex.uz>.

профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида Интернет армоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлар ташкил этиши, аҳолига даврий матбуот, радио ва телевидение орқали жиноий килмишининг курбонига айланганда қаерга, кимга ва қандай тартибда мурожаат қилиш ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориши ва ҳуқуқбузарликлар профилак-тикасининг замонавий усуллари тўғрисида электрон адабиётларни тарқатиш мақсадга мувофиқдир

